


**Қумқўрғон тумани Агросаноат
техникумида маҳалла хотин-қизлар
фаолларининг фаолиятини самарали
олиб бориш учун талаб этиладиган
билим ва кўникмаларини
шакиллантириш ва ривожлантириш
бўйича ўқув семинари бўлиб ўтди.**





Қумқўрғон тумани Агросаноат техникумида маҳалла хотин-қизлар фаолларининг фаолиятини самарали олиб бориш учун талаб этиладиган билим ва кўникмаларини шакиллантириш ва ривожлантириш бўйича ўқув семинари бўлиб ўтди.

Ушбу семинарда хотин-қизлар фаоллари учун турар жойга мухтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш тартиби, “Аёллар дафтари” билан ишлаш, хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ҳамда уларни ижтимоий қўллаб қувватлаш, оилада ҳуқуқий саводхонлик ва ҳуқуқий тарбияни юксалтириш ҳамда низоли оила вакиллари билан индивидуал ишлаш каби масалалар бўйича керакли ма’лумотлар берилди.

Семинар иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоблар олдилар.